

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 4-may, payshanba

№ 19 (9235)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru



@Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ГЕРМАНИЯГА ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг таклифига биноан 2 май куни ташриф билан Берлинга келди.

“Берлин-Бранденбург” аэропортида Ўзбекистон етакчисининг ташрифи муносабати билан икки мамлакат байроқлари кўтарилди, faxрий қоровул саф тортиди.

Олий мартабали меҳмонни Германиянинг расмий шахслари кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германияга ташрифи ушбу мамлакат Федерал Канцлери Олаф Шольц билан музокаралардан бошланди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Германия Канцлерига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Германияни ўзининг ишончли ва стратегик ҳамкори сифатида қабул қилиши, мамлакатларимизни чуқур тарихий илдишлар боғлаб тургани қайд этилди. Кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар барча йўналишларда жадал ривожланиб бормоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ва қўшма лойиҳалар сони икки баробар ортгани мамнуният билан таъкидланди. Германиядан Ўзбекистонга инвестициялар ҳажми 5,5 миллиард долларга етди, шундан 4 миллиард доллар охириги 6 йилда жалб қилинган.

Ташриф доирасида ўтган қўшма бизнес-форум юксак баҳоланди. Унинг якунида умумий қиймати 9 миллиард долларлик савдо, инвестициявий ва технологик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қилинган эришилди.

“Яшил энергетика”, қазиб чиқариш, қимё, фармацевтика тармоқларида, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш, инновация ва бошқа соҳалардаги кооперация лойиҳалари шулар жумласидан.

Германия компанияларининг Ўзбекистондаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “KfW”, “Deutsche Bank” банклари ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти билан кенг қўламли шериклики ривожлантиришга қилишиб олинди.

Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг ЖСТга қўшилишини ҳамда Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имкон қадар тез имзолашини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга тайёриги билдирилди.

Сиёсий мулоқотни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди. Томонлар ташриф чоғида Кўп қиррали ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида Ҳукуматлараро декларация имзоланишини олқишладилар.

Олаф Шольц Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини яратиш, интеграцияни чуқурлаштириш бўйича янги минтақавий сиёсатини қўллаб-қувватлади.

“Германия – Марказий Осиё” форматида мулоқот майдонини ишга туширишга ахдлашиб олинди.

Минтақада, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятни инобатга олган ҳолда хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу мамлакат учун гуманитар лойиҳаларни давом эттириш, шу жумладан, Термиздаги логистика мажмуаси ва Афғон ёшлари учун таълим маркази имкониятларидан фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Транспорт в логистикани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган самарали йўналишни шакллантиришга хизмат қилувчи Транскаспий йўлагини биргаликда ривожлантириш бўйича ақдил фикр билдирдилар.

Маданий-гуманитар ҳамкорликнинг кун тартиби бой экани мамнуният билан қайд этилди. Германия томони шу кунларда Берлин шаҳрида Ўзбекистоннинг маданий меросига бағишлаб очилаётган ноёб кўргазмани юқори баҳолади.

Ўзбекистонда немис тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани мамнуният билан таъкидланди. Германия ҳукумати мамлакатимиз ҳудудларида немис тилини ўқитишни кенгайтиришга техник қўмак кўрсатиши тўғрисида қилишиб олинди.

Умуман, ташриф доирасида иқтисодиёт, савдо, молия, таълим, фан ва инновация соҳаларида 16 та ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Германия Федерал Канцлери Олаф Шольцни ташриф билан Ўзбекистонга қилишга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германияга ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Қишлоқ ҳўжалигининг муҳим тармоғи бўлган пиллачиликда ҳам қуваликлар бой тажрибага эга. Ҳар йили чилги ҳосил бўлган ипак толасини етиштиришда вилоятда пешқадамлар сафида бўлаётганлари соҳа ходимларининг узоқ йиллик тажрибаси борлигидан далолатдир.



– БУ ЙИЛ ҲАМ ҲОСИЛИМИЗ МЎЛ, – дейди “Қува пилла” МЧЖ раҳбари Машҳураҳон Қўзибоева

Бу йил туманда жами 3164 қути ипак қурти парваришланмоқда. Пиллачилар мавсумда режадаги 183 ўрнига, 185 тонна ҳосил олиш ниятида астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада Мусожон Шербўтаев номли ММТП ҳудудидаги Хусанбой Маматалиев етакчилик қилаётган қасаначиларнинг фаолиятлари алоҳида эътиборга лойиқ. Тожихон Маматалиева кўп йиллик тажрибаларини ёшларга ўргатиб келмоқда. Бугун улар 41 қути ипак қуртини меҳр билан парваришляётир.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, пиллакорлар плёнка остида боқилинган маъкул кўрдилар. Бунинг қулайлик томони бор, албатта. Биринчидан барг тежалди, исроф бўлмайди, иккинчидан намлиги йўқолайди.

Оилавий қасаначилик асосида ташкил этилган пиллахонада Гўзалхон Эркабоева, Гулчирой, Қумушхон, Мафтунахон, Зухраҳон Маматалиевалар бу борада қайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Уларнинг эзгу ниятлари 2,5 тонна ҳосил олиш.

Шу қишлоқдаги яна бир хонадонда ҳам муҳим агротехник қондалар асосида 8 қути ипак қурти парвариш қилинмоқда. Пиллачилик ҳудудий агрономи Дилрабохон Умриддинова ҳамда тажрибали пиллакор Дилфузахон Мамадалиева ипак қуртларига вақтида озук бериб, хона ҳароратини белгиланган меъёрга сақлаган ҳолда иш олиб бормоқда.

Аҳмад Фарғоний ММТП ҳудудидаги “Қаҳрамон Давлат саховати” фермер ҳўжалиги аъзолари Арслонжон Орзиев ҳамда Зухраҳон Орзиевалар 5 қути ипак қуртини қасаначилик асосида парваришляб, иш билан банд бўлмаган қўшнилари ҳам меҳнатга жалб қилишди. Бугунги кунда махсус сукичлар янгилаиб, ипак қуртларини сийраклаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бундан ташқари, Наврўз ММТПга қарашли “Водий шахристон” фермер ҳўжалиги қурт боқувчилари Ёркиной Жумаева, Сайёра Ёқубова, Латофатхон Содиковалар ҳам ўз қарамоғидаги ипак қуртларини юксак эътибор билан

парвариш қилмоқдалар.

Бугунги меҳнат эртанги кунда роҳат олиб қилишини дилдан ҳис қилган опа-сингилларимиз ҳар лаҳзани ғанимат билиб, меҳнат қилишмоқда.

– Қувада менин қадамим етмаган дала, эшиги тақилламаган хонадон йўқ, – дейди Машҳураҳон Қўзибоева фахр билан. – Мақсадим аёллар иш билан таъминлансин, керак бўлса, меҳнат стажига эга бўлсин, дейман.

У ўз сўзида ипак қуртини тарқатиш, хонадонлардаги уй бекаларининг ишли бўлишларида яқиндан қўмак берган туман ҳокими ўринбосари Матлубахон Холматова ҳамда барча маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларидан миннатдор эканини ҳам айтди.

Чилги ҳосил бўлмиш пилла қўғи қай даражада бўлиши ипак тола хирмони юксалганда билинади. Ҳосилингиз баракали бўлсин, азиз пиллачилар!

Зухра АЛИЕВА,
журналист.

БУХОРО ВИЛОЯТИ: САНОАТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ЯНАДА ОШАДИ

Бухоро вилоти жаҳоннинг эллиқдан ортиқ давлати билан ўзаро тенг манфаатли савдо-иқтисодий ва бошқа жабҳаларда узвий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ташқи савдо айланмиси ҳам ошаётир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш стратегияси диверсификацияланган ва рақобатбардор иқтисодиётни яратишга, инновацион технологиялар ва бозорни бошқаришнинг янги усулларини кенг қўллаган ҳолда миллий ресурслардан максимал даражада фойдаланишга йўналтирилган.

Бухоро вилотида ҳам тadbиркорликни ривожлантириш, ишбилармон доира вакиллари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва истиқболли лойиҳаларга кенг ўрин бериш, талаб ва эҳтиёж юқори бўлган, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Бу борада баъзи статистик маълумотларга тўхталсак, жорий йилнинг дастлабки чорагида вилоятнинг ташқи савдо айланмиси 343,4 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 47,6 миллион АҚШ долларига ёки 16,1 фоизга ошган, – дейди вилоят ҳокимлиги қотибияти мудири Феруз Каримов. – Маълумот учун, Ўзбекистон Республикасида товарлар ташқи савдоси статистика кўрсаткичларини шакллантиришда, Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси билан биргаликда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро стандартлашган савдо таснифлагичи – ХССТ дан кенг фойдаланилади. Бу ўз навбатида тахлилий мақсадларда экспорт ва импорт қилинадиган товарларни 10 та катта қисмга гуруҳлаш, ўрганиш ва ҳисобини юритиш имконини беради. (Давоми 2-саҳифада)



Ҳадемай, Сурхондарёда қовун экспорти бошланади.

Ж.ТУРСУНОВ олган суратлар.

ҚАШҚАДАРЁДА 20 ТА НАСОС СТАНЦИЯСИ ХУСУСИЙ ШЕРИК БОШҚАРУВИГА БЕРИЛАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 18 апрель куни ўтказган йиғилишда сув ҳўжалигидаги 4 та катта йўналиш – сув йўқотилиши, насос станцияларининг энергия истеъмоли кўплиги, сув захиралари камлиги ҳамда сув тежовчи технологиялар билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган эди.

Маълумки, узоқ далаларга сув насос станциялари ёрдамида етказилади. Уларнинг аксарияти эскилиги туфайли электр энергияси истеъмоли жуда юқори. Ҳали бирорта ҳам йирик насос станцияси муқобил энергия манбаига ўтказилмаган. Шартлар аниқ белгиланмагани сабабли кўп тadbиркорларнинг лойиҳалари тўхтаб турибди, бюджетдан электр учун катта маблағлар сарфланаяпти.

Шу боис йиғилишда насос станцияларини хусусий шерикликка бериш, уларда муқобил энергия манбаларини жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан чора-тadbирлар белгиланиб, ишлар



бошлаб юборилди.

Қашқадарё вилотида суғориладиган майдон 514 минг гектар бўлиб, Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасаруфидидаги 69 та насос станцияси орқали 120 минг гектар майдон суғорилади. Айни

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ Тўғрисида

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафимизда туриб, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 78 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 18 000 000 (ун саккиз миллион) сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилотлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Қамбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ҳамда байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 2 май



Давомини 3-саҳифада ўқинг!

➤ 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни

ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК, СЎЗ ВА ФИКР ЭРКИНЛИГИ ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси томонидан 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни муносабати билан “Бирлашиш нуқтаси” медиа анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси бошқаруви раиси, профессор Шерзодхон Қудратхўжа ва бошқалар миллий оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасидаги амалий ишларда нодавлат медиа тузилмалари ҳам муттасил равақ топиб бораётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда медиа дунёсида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Анъанавий журналистикадан замонавий, креатив, тезкор журналистикага ўтилмоқда. Журналистика соҳаси кейинги йилларда кескин ўзгаришларга юз тутгани баробарида бу журналистларнинг ўзига ҳам, айниқса, телетомошабин ва оубначиларга ҳам таъсир этмоқда. Рақамли оммавий ахборот воситалари ролининг кескин ўсиши истеъмолчиларнинг янгиликларни олиш усулларини кескин ва сезиларли даражада ўзгартирди.

Мамлакатимиз янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган, очик-



лик, ошкоралик, сўз ва фикр эркинлиги ҳаёtimиз мезонига айланиб бораётган ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу эса миллий медиа вакиллари зиммасига катта

масъулият юклайди. Шуни ҳам айтиш керакки, юртимизда ўтказилган референдум жараёни нодавлат телерадиоканаллари ва журналистлар учун жуда катта тажриба мактаби бўла олди. Анжуманда бугунги журналис-

тикада сўз эркинлиги, куни кеча бўлиб ўтган референдум жараёнларида медианинг роли, нодавлат телерадиоканалларнинг иштироки ҳақида фикрлар билдирилди. Шунингдек, учрашувда ташкилотнинг номи “Ўзбекистон

Миллий медиа ассоциацияси”дан “Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси”га ўзгартирилди.

Миллий медиа бирлашмаси ўз сафига янада кўплаб янги аъзоларни қабул қилиши, медиа вакилларининг мулоқот қиладиган, ўзаро фикр алмашадиган майдонга айланаётгани ҳамда бирлашиш, бир бўлиб журналистика соҳасида катта марраларни забт этиш мумкинлиги таъкидланди.

Шунингдек, умумий йиғилишнинг кун тартибиде ташкилотнинг 2022 йил давомида амалга оширилган ишлари ва 2023 йилга мўлжалланган истиқболли режаси, Ўзбекистон Миллий медиа бирлашмаси бошқаруви раисининг ўринбосари – Бош директори Абдуазиз Абуталипов номзодини тасдиқлаш ҳамда тузилманинг янги аъзоларини қабул қилиш бўйича қарорлар тасдиқланди. Ташкилот аъзолари журналистиканинг бугунги ва келажаги бўйича фикр алмашиди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.**

АЛИМЕНТ ҚАРЗИ УНДИРУВЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маълумки, юртимизда болаларнинг барча ҳуқуқлари қатори моддий таъминот олиш ҳуқуқи ҳам қонун билан кафолатланган. Хусусан, Конституциямизнинг 64-моддасига кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунарлигига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.



Шунинг учун амалдаги Оила кодексининг 96-моддасида ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт экани қатъий белгиланган. Аммо ҳаётда турли сабабларга кўра, оиланинг бузилиши натижасида алоҳида яшайдиган ота ёки онанинг бола таъминотида иш тўғрисида қарор бериш мумкин эмас.

Бу ҳаётда фарзанд тарбияси, унинг таъминоти ҳар бир ота-она зиммасида бўлиши шарт. Аммо ҳаётда турли сабабларга кўра, оиланинг бузилиши натижасида алоҳида яшайдиган ота ёки онанинг бола таъминотида иш тўғрисида қарор бериш мумкин эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан ташкил этилан “Алимент тўловлари жамғармаси”дан 30 нафар алимент иши бўйича ундирувчиларга 520 млн. сўм маблағлар тўлаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, алимент бу қарз эмас, балки фарзанднинг у вояга еттунга қадар бериладиган таъминотидир. Буни бажариш эса, ҳар бир ота-онанинг бурчидир.

**Ғайрат МАМАТКУЛОВ,
Мажбурий ижро бюроси
Жиззах вилояти
бошқармаси
Жамоатчилик билан
алоқалар ва ҳуқуқий
ахборот бўйича катта
инспектори.**



XALQARO TIJORAT ARBITRAJ SUDIDA DALILLARNING QANDAY TURLARI MAVJUD?

Xalqaro tijorat arbitrajda dalillarning bir qancha turlari belgilab qoyilgan. Tarafar, uchinchi shaxslar va vakillarning tushuntirishlari, yozma va og'zaki dalillar, guvohlar tushuntirishlari, ekspertlar xulosalari va boshqalar shular jumlasidandir.

Tarafar, uchinchi shaxslar va vakillarning tushuntirishlari hujjatli dalillarga hakamlik muhokamasi tarafarlari tomonidan taqdim etilgan dalillar va ularni tinglash uchun tayyorlangan taqdimnomalari kiradi. Ikkala tomonning qo'lida bo'lgan hujjatli dalillar ham taqdim etilishi mumkin.

Sud guvohlarning uning ishtirokida faktlarning haqiqati to'g'risida aytishiga ruxsat bergan yoki kutgan barcha bayonotlar og'zaki dalillar deb ataladi. Yozma dalillar esa ish uchun ahamiyatli holatlar to'g'risidagi ma'lumotlar bilan etilgan hujjatlar bo'lib, xizmatga daxldor va shaxsiy yozishmalar hisoblanadi.

Ekspert dalillari ham xalqaro tijorat arbitrajda muhim o'rin

tutadi. Ekspert bayonoti ham nizolarni hal qilishning muqobil usullaridan biri bo'lib, ekspert nuqtai nazarini xalqaro tijorat arbitrajda dalil sifatida qo'llaniladi. Ekspert dalillari texnik, huquqiy, moliyaviy yoki boshqa ekspert masalalari bilan bog'liq bo'lib, na faqat hakamlar ekspert tayinlash huquqiga ega, balki bu imkoniyat tomonlarga ham tegishlidir.

Xulosa qilib aytganda, milliy sudlar ko'pincha sud muhokamasiga qabul qilingan dalillarni tartibga soluvchi murakkab qoidalariga amal qiladilar. Biroq, dalillarni olish va taqdim etish tartib-qoidalari va har qanday dalilning yoki ma'lum bir turining og'irligi ko'rsatilishi kerak.

**Javohir NORBOYEV,
TDYU talabasi.**

➤ Жамият ва инсон

**Жиноят кодексига
киритилган ўзгартиш ва
қўшимчаларга кўра, 18 ёшга
тўлмаган шахсларни, яқин
қариндош, собиқ хотин, бир
рўзгор асосида биргаликда
яшаётган шахс ёхуд умумий
фарзанда эга бўлган шахсни
жинсий алоқа қилишга
мажбур этганлик учун
жавобгарлик белгиланди.**

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Мазкур жиноят 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Оилавий (маиший) зўравонлик учун ҳам жавобгарлик кирилди. Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзгорда яшаётган шахсга ёки умумий фарзанда эга шахсга нисбатан мулк, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулк ва шахсий ашёларига қасддан шикаст етказиш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни кўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш ҳолатлари маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, БХМнинг 20 бараваридан 30 бараваригача жарима ёки 160 соатдан 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Юқоридagi шахсларни дўппослаш, тан жараҳати етказиш, хусусан, соғлиқнинг узоқ вақт (камиде 21 кун, аммо 4 ойдан кўп бўлмаган даврда) ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг 10 фоизидан 33 фоизигача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш содир этилса, 2 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Вояга етмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди. Жумладан, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилганлик учун 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш 2 йилдан 4 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин. Шунингдек, шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланди. Мазкур жиноят оғирлаштирувчи ҳолатларда 3 йилгача озодликдан маҳрум қилишга сабаб бўлади.

**Д. ХОЛИЁРОВА,
Бойсун тумани ФХДё бўлими
1-тоифали инспектори.**

БУХОРО ВИЛОЯТИ: САНОАТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ЯНАДА ОШАДИ



(Боши 1-саҳифада)

Бухоро вилояти билан ташқи савдо айланмаси энг юқори улушга эга бўлган давлатлар мисолида олсак, 2023 йил биринчи чорагида Россия билан умумий савдо айланмаси 96,1 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан импорт ҳажми 84,2 миллион, экспорт ҳажми эса 11,8 миллион АҚШ долларига етказилган.

Худди шундай, халқаро ҳамкорлар сафиде Хитой Халқ Республикаси билан ташқи савдо айланмаси ҳажми мазкур уч ойда 24,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шундан импорт ҳажми 21,5 миллион, экспорт ҳажми эса 2,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Шунингдек, Эрон давлати билан иқтисодий муносабатлар кенгайиб бораётгани баробарида шу йил дастлабки чорагида Бухоро ва Эрон ишбилармон доира вакиллари ўртасида умумий қиймати 7,2 миллион АҚШ долларига тенг ташқи савдо айланмаси амалга оширилган бўлиб, бунда импорт 6,2 миллион, экспорт ҳажми эса 1 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Шу даврда қўшни Туркменистон Республикаси билан қиймати 10,5 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги ташқи савдо айланмаси амалга оширилган бўлса, шундан импорт маҳсулот ҳажми 9,5 миллион, экспорт ҳажми эса 1 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Умуман, айни пайтда Туркия билан ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликдаги ташқи савдо айланмаси 13,9 миллион АҚШ долларига етказилган бўлса, Қозғистон Республикаси билан бу кўрсаткич 5,1 миллион, Германия Республикаси билан 4 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарининг барқарор ва узлуқсиз ишлашини таъминлаш учун айни пайтда Бухоро вилоятида зарур ресурслар базаси яратилган. Тадбиркорлик субъектлари учун ҳам ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбири қўриломоқда. Бу саъй-ҳаракат самараси ўларок, экспорт тарихиде сезиларли ўзгаришлар импорт товарларнинг ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва саноат ишлаб чиқаришнинг диверсификация қилиш натижасида эришилмоқда.

Худди шундай қўшни давлатлар билан ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, мамлакатларни иқтисодий-иқтисодий, савдо-саноат ҳамда маданий соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш борасида катта ишлар амалга оширилаётганини қўриш мумкин. Бу борада ташқи савдо айланмасида сўнгги йилларда сезиларли ўзгаришлар кузатилаётгани диққатга молик. Мисол учун, сўнгги уч йилда Афғонистон, Қирғиз Республикаси, Тожикистон ва Эрон билан ташқи савдо айланмаси ошгани қайд қилинмоқда.

Бироқ таҳлиллардан кўринишича, бу борада асосий ҳамкорлар сифатида иқтисодий улуш Россия Федерацияси, Хитой Халқ

Республикаси, Туркия, Туркменистон ва Эрон давлатлари ҳиссасига тўри келмоқда. Шу ўринда вилоятнинг худудлар кесимида ташқи савдо айланмаси хусусида гап бораганда, аввало иқтисодий салоҳияти юқори бўлган Қоровулбозор тумани ва ундаги “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ ўрни ва мавқеи яққол билинади. Бу борада туман ташқи савдо айланмаси жорий йил дастлабки чорагида 171,4 миллион АҚШ долларини ташкил этгани фикримиз далили. Енгил саноат, тўқимачилик ва текстил, шу билан бирга, қурилиш материаллари савдоси ривожланаётган Бухоро шаҳрида бу кўрсаткич 48,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, Пешку тумани улуши 20,1 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Етақчилар билан бирга, ташқи савдо айланмасида қуйи ўринларда бораётган туманларни ҳам эътироф этиш жоиз. Бунда иқтисодий ўсиш ҳажми Қорақўл туманида умумий 8,4 миллион, Шофиркон туманида 5,4 миллион ва Олот туманида 3,9 миллион АҚШ долларидан ошмагани тармоқда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилишини таъкид этмоқда.

Юқоридегилардан келиб чиққанда, кўп йилдирки, иқтисодиёти асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Бухоро вилоятини айни кунда саноатлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда биринчидан, вилоятда янги саноат корхоналари барпо қилиш учун сўнгги олти йилда қарийб 6 миллиард АҚШ доллари инвестиция жалб қилинган, бунинг ҳисобига худудда 2,5 мингтага яқин янги корхона ташкил қилиниб, уларда ишлаб чиқариш ҳажми 4 бараварга оширилаётгани, олдин вилоятнинг саноат маҳсулоти асосан нефт-газ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда пахта толаси бўлган бўлса, ҳозирда енгил саноат, озик-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр энергия манбалари каби юқори технология маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор кучайтирилган. Натижада вилоятдаги саноат экспорти 3 бараварга ошиб, иқтисодий кўрсаткич 206 миллион АҚШ долларига етказилгани салмоқли ютуқ, албатта.

– Жабҳада олиб борилаётган ҳисоб-китоб ва амалга оширилаётган лойиҳалар натижасида бугун саноат корхоналарида 44 минг аҳоли бандлиги таъминланаётган бўлса, уларнинг 6,5 минг нафари юқори маалаки мутахассислар ҳисобланади. Мисол учун, “Ғиждувон” эркин иқтисодий зонасида ҳозирги кунда умумий қиймати 220 миллион АҚШ долларига тенг 46 та лойиҳа амалга оширилмоқда, – дейди вилоят ҳокимлиги қотибияти мудири Феруз Каримов. – Биргина саноат йўналишида жами 611,5 миллион АҚШ долларлик 314 та лойиҳа амалга оширилиб, бунинг натижасида 11 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Жорий йил якуни билан вилоятдаги саноат маҳсулотлари экспорт ҳажми 252,5 миллион АҚШ долларига етказилади. 2022 йилга нисбатан 122 фоиз

Бу йил фестивал қатнашчилари сони 4 миллиондан ошиши кутиляпти

Одатда, аксар ҳамюртларимиз Халқаро гуллар фестивалини анъанавий тадбирларнинг бири сифатида баҳолашади. Фестивалнинг вилоятимиз бюджетига келтирадиган иқтисодий фойдалари, ёшлар ва тадбиркорларимизнинг интеллектуаллик қобилиятини ўстиришга, маданият, санъат, ижодиёт бўйича истеъдод эгаларига рағбат ва иштиёқ бағишлашига камроқ эътибор қаратишади. Аслида айна шу жиҳатлар фестивалнинг аҳамиятини кенгрок ва ёрқинрок ифодалаб берадиган қирраларидан ҳисобланади.



Узоққа бормайлик, ўтган йили 22 майдан 5 июнга қадар бўлиб ўтган Халқаро гуллар фестивалида вилоят бюджетига катта миқдорда маблағ келиб тушганди. Гул кўчатлари олиш, уларни олдиндан ишлаб чиқилган ландшафт дизайн режаларига мувофиқ жойлаштириш ва ҳоказо ташкилий ишлар жараёнидаги харажатларни умумий маблағдан айириб ташласак ҳам маҳаллий бюджетга тушган соф фойда 100 миллиард сўмдан ошганини жамоатчилик билиши керак. Яна бир муҳим жиҳатни эътибордан қочирмаслигимиз зарурки, 62 йиллик тарихга эга бу тадбир Муҳтарам Президентимизнинг тавсиялари билан 2018 йилдан бошлаб “Гул байрами” тарзидаги маънавий-маърифий тадбирдан “Халқаро гуллар фестивали” даражасига кўтарилигани бежиз эмас. Гуллар байрамига халқаро фестивал мақоми берилгач, вилоят ҳокимлиги томонидан гулчилик соҳасини ривожлантиришга барча зарур шароитлар яратиб берилмоқда. Хусусан, Наманган шаҳрида гулларнинг янги навларини яратиш, уларни клонлаш ва турларини хилма-хил қилиш бўйича ўз лабораториясига эга бўлган Гулчилар ассоциацияси ташкил этилгани, махсус ер участкалари ажратилиб, зарур инфратузилма яратилгани шунчаки ишлар эмас. Иссиқхона ҳўжалиқларида ҳамюрт гулчиларимиз мингдан зиёд бир йиллик, кўп йиллик ва бошқа турдаги хилма-хил гулларни парваришлашмоқда.

Шу ўринда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи хиёбонларида 1961 йилнинг август ойида ҳаваскор гулчилар томонидан атиги уч кунгина ўтказилган илк “Гул байрами” билан бугунги “Халқаро Гуллар фестивали” даражасигача бўлган меҳнат-интилишларни қиёсласак. Албатта, дастлабки “Гул байрами” тадбирларига вилоятимиз туманларидан, нари борса қўшни вилоятлардан саноқли меҳмонлар келишганлиги тарихдан маълум. Фестивал моҳиятини ўтган йилги кўрсаткичлар билан шарҳласак ҳам етарли тасаввур ва тушунча ҳосил бўлади. “Гуллар фестивали”нинг халқаро мақомга эга бўлиши ҳам ўз-ўзидан юзага келмаган. Бу ўринда оммавий



Гуллар фестивали – НАМАНГАННИНГ МАДАНИЯТИ, ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИ, ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ИМКОНИАТЛАРИ МУЖАССАМЛАШГАН БРЕНДИ

62-Халқаро гуллар фестивалига тараддуд қизгин паллада



ахборот воситалари ходимларининг алоҳида ўрни борлигини эътироф этиш керак. Гуллар фестивали ҳақидаги ахборот оқимлари қўшни мамлакатлар фуқароларининг ҳамда гул етиштирувчиларининг ҳам эътиборини тортдики, Наманган сари сайёҳлар оқими кўпайди.

Ўтган йили Наманган шаҳри дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатларидан келган сайёҳларга мезбонлик қилганди ва 15 кун мобайнида яқин 2,5 миллион нафар меҳмон кутиб олинган. Бу кўрсаткич вилоятимизда фестивал сабаб туризм салоҳияти кескин юксалганини ҳам яққол кўрсатади. Ана шу 30 дан зиёд давлатлардан ташриф буюрган хорижий сайёҳлар 51 минг 78 нафарни ташкил этганди. Бу олдинги йилнинг мос даврига нисбатан икки баробарга кўп.

Қўшни вилоятлардан ташқари, Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркия, Украина, шунингдек, Австралия, Африка ва Америка давлатларидан келган сайёҳлар шаҳримиз бўйлаб



экилган 4 миллион донга гул кўчатларидан яратилган композицияларни шунчаки томоша қилиш билан чекланишмади. Улар Наманганимиздаги яратувчилик муҳитини, ўзбекистонликларнинг бунёдкорлик қайфиятини, яшаш



тарзи, турмуш маданияти ва бизда мавжуд бўлган инвестиция имконларини ҳам ўрганишди. Булар хусусида фикрларини айтишди. Ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш истагида шартномалар тузилди.

“Халқаро гуллар фестивали” Наманган аҳлининг тадбиркорлик салоҳияти, маданияти ва санъатга иштиёқмандлиги қатори ёшларимизнинг интеллектуаллик қобилиятининг ҳам



намойиши бўлмоқда. Ўтган йили олий ўқув юртли ва техникумларда сабоқ олаётган талабалардан 120 нафари танлаб олиниб, улардан волонтерлар гуруҳи ташкил этилганди. Улар Бобур боғининг 8 та дарвозасида Наманган тарихи, наманганликларнинг ўзига хос урф-одатлари, 61 йилдан буён ўтказиб келинаётган фестивалнинг йилдан йилга сайқалланиб бораётгани тўғрисида етти тилда маълумотлар бериб, гидлик вазифасини ҳам бажаришди. Бу юмуш талаба-ёшларимизда хорижлик-

лар билан ҳам эркин мулоқотга кириш кўникмасини юксалтириши шубҳасиз.

Бу йил фестивал қатнашчилари сони 4 миллиондан ошиши кутиляпти. Хорижий меҳмонлар 90 минг нафардан кам эмас. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият тегишли ташкилотлар билан баҳамжиҳат байрам тадбирларини яқин атрофдаги боғ ва хиёбонларда ҳам ташкил этиш чораларини белгиланганки, тараддуд ишлари режага мувофиқ кенг қамровда олиб

борилмоқда. Фестивалга жами сарфланадиган маблағ 50 миллиард сўмни ташкил этади. Бу маблағнинг уч миллиард сўми маданий тадбирлар учун, 500 миллион сўми инфратузилма учун, 1,8 миллиард сўми янгидан экиладиган гул кўчатлари учун йўналтирилмоқда. Транспорт, умумий овқатланиш, савдо ва меҳмонхона, бошқа хизматлар учун жами 1 миллиард 234 миллион сўм маблағ сарфланади. Фестиваль давомида меҳмонларни жойлаштириш, яъни меҳмонхона хизматларининг жами кўрсаткичи 60 миллиард сўмни ташкил этади.

Меҳмонлар сонининг ортиб бораётганидан келиб чиқиб, меҳмонхоналарда ва янги замонавий типдаги меҳмон уйларида шароитлар ҳозирланди. Ҳатто фестиваль тадбирлари ўтадиган боғ хиёбонлари ва сайилгоҳларда ўриндиқлар, ландшафтдан келиб чиқиб, суҳбат айвончалари, санитария ва гигиена қоидаларига мос зарур шароитлар сони кескин кўпайтирилди.

Бу йил асосий байрам кўргазмалари Бобур боғида ҳамда “Афсоналар водийси” тематик паркида бўлиб ўтади. Сайилгоҳларга 30 миллион дондан зиёд гул кўчатлари экиб, парваришланмоқда.

Анъанага кўра 150 дан ортиқ транспорт воситалари табиий гуллар билан безатилган ҳолда Наманган шаҳрининг марказий кўчалари бўйлаб парад бўлиб ҳаракатланади.

Бобур боғининг асосий дарвозаси жойлашган “Тинчлик стелласи” олдиндан бошланадиган фестиваль тантаналари “Фаввора” хиёбони, “Афсоналар водийси” тематик парки амфитеатри, вилоят мусиқали драма театри сахналаридаги санъат усталари, ёш истеъдодлар ва пойтахт эстрада ютдузларининг театрлаштирилган катта



Ботирхон НУРИДДИНОВ, Наманган вилояти ҳокими ўринбосари

концерт шоу дастурлари намоиши билан давом этади. Андижон, Фарғона, Сирдарё вилоятлари Маданият ва туризм бошқармалари, Ўзбекистон Давлат филармонияси вилоят бўлимининг концерт дастурлари фестиваль иштирокчиларига олам-олам завқ бағишлаши шубҳасиз.

Вилоят мусиқали драма театрининг спектакль ва концерт дастурлари, “Халқаро қушлар фестивали”, Ўзбекистон-Россия спортчилари ўртасида спортнинг Қўл жанги тури бўйича бешга-беш халқаро турнир, “Иллюзия шоу”, “Талант шоу” (эгизаклар шоуси, таниқли жохон ва маҳаллий санъаткорларга тақдидлар), республикамиз ва хорижий давлатлардан ташриф буюрган дизайнерларнинг Fashion week кўргазмалари чиқишлари, вилоят ҳокимининг кубоги учун шаҳар-туман Ёшлар етакчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал мусобақалари. “Халқаро этносспорт ва маданият фестивали”, болалар учун алоҳида цирк, концерт дастурлари аниматорлар иштирокида турли хил чиқишлар, Наманган вилояти маданият ва туризм бошқармасига қарашли Ўзбекистон Давлат

меҳмонларимизга унутилмас таассурот беришига ишонаман.

Янгича ёндашувлар, халқимиз ва хорижий меҳмонлар учун ҳам қутилмаган “сюрприз” бўладиган ўзига хос тадбирлар, беллашув, мусобақа ва кўрик-танловлар наманганликларнинг бетақрор истеъдоди ва салоҳиятини намоиш этади. Шунинг алоҳида айтишим кераки, меҳмонларимиз ва ҳамюртларимиз экибана ва гулдаста усталари беллашувидан катта таассурот олишлари шубҳасиз. Бу танлов ғолиблари ҳам фестиваль якуни бўйича қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Халқаро гуллар фестивали Наманганимизнинг маданияти, тадбиркорлик салоҳияти, иқтисодий ўсиш имкониятлари мужассамлашган брендиدير. Унинг халқаро миқёсдаги нуфуз-эътибори учун ҳамюртларимиз бирдек ҳисса қўшади. Фестиваль доирасидаги тадбирлар натижасида маҳаллий бюджетимизга тушадиган даромад маблағлари, албатта, Наманган ва наманганликлар турмуш маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.



филармонияси вилоят бўлими концерт дастури... қўйинчи ҳар кун, ҳар соатда ранг-баранг хордиқбахш тақдимотлар фестивални мазмунан бойитади.

Ўтган йилги қизиқишлардан келиб чиқиб, “Афсоналар водийси” ёнги амфитеатрида Бош дирижёр Алибек Кабдурахмонов, бош ижрочи Женисбек Пиязовлар иштирокида Ўзбекистон Миллий симфоник оркестрининг “очик осмон остида”ги концерт дастури бу йил ҳам фестиваль иштирокчиларини мамнун этади. Айниқса, таниқли маданият ва санъат усталари иштирокида “Назм ва Наво” кечалари, “Аския кечаси”, 80-90 йиллар хитлари, “Muzqaymoq Party”, “Дунё таомлари” Наманганда гастрол фетивали каби дастурлар

Хуллас, 62-Халқаро гуллар фестивали Наманганнинг сайёҳлик магнители бўлиши учун зарур бўлган барча ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят Маданият ва туризм бошқармаси томонидан меҳмонларнинг фестиваль давомида сайёҳлик жойларига ташриф буюриш истагидан келиб чиқиб, бир нечта сайёҳлик маршрутлар харитаси ишлаб чиқилган. Барча меҳмонхоналар, ресторан-кафелар, истироҳат боғлари сайёҳлар учун сифатли хизмат кўрсатишга тайёр.

Халқаро гуллар фестивали – тинчлик, меҳр-оқибат, маданият, адабиёт, дўстлик ҳамда яхши қўшничилик байрами сифатида Наманганимиз шаънига зийнат бўлади.



9 май – Хотира ва қадрлаш куну

Ўз умрини Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштиришга бағишлаган миришкор деҳқон, донгдор пахтакор, эл орасида "афсоновий қаҳрамон" деган ном олган Саттор Усмонов урушгача Зомин тумани марказидаги 1-ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатиб, ўзининг киндик қони тўкилган жойи "Галдировут" қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қилди. 1943 йилда, 19 ёшида ҳарбий хизматга қақарилиб, фронтга сафарбар қилинди. У Белоруссия ва Украина фронтларида ўқчи дивизия таркибида Белоруссия ва Польшанинг кўплаб шаҳарларини фашистлардан озод қилишда, Сталинград ҳимояси учун бўлган жангларда қатнашди. Днепрни сузиб ўтишда мардлик кўрсатиб, ўндан ортиқ душман жангчисини қириб ташлади, фашистларнинг ўқ отиш нуқтасига барҳам берди.

Батальон командири буйруғи билан у жанг қилаётган бўлинма биринчи бўлиб дарёнинг ўнг қирғоғига сузиб ўтди ва уларни дарёга улоқтириб ташлашга уринган кўп сонли фашист автоматчиларига қарши жангга киришди. Жаладеҳ ўқ ёғилиб турганига ва ҳаводан тўтовсиз бомба ташланаётганлигига қарамай, бўлинма асосий позицияни кўлдан бермади. Саттор Усмонов ана шу жангда оғир ярадор бўлди. Госпиталда тузалиб чиққан, 1-Украина фронтининг ўқчи дивизиясида Орёл шаҳрини озод қилишда қатнашиб, Рейхстаггача жанг қилиб борди ва эсон-омон қишлоғига қайтди.

Уруш тугаган бўлсада, кўпчилик соғ-омон қолган йигитлар ҳали она юртларига қайтмаган, маҳаллий кадрларга бўлган талаб низоҳатда кучли эди. Шунинг учун Саттор Усмоновга ишонч билдирилиб, унга Энгельс номи қолхоз раиси бошқаруви топширилди. Кейинчалик Еттикечув (ҳозирги Дубоа ҚФЙ) қишлоқ кенгаши раиси, Зомин тумани МТС сиёсий раҳбари сифатида фаолият кўрсатди. 1955 йилда Тошкент олий партия мактабини имтиёзли тугатиб, ўша йилнинг ўзида Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов тавсияси билан Зомин тумани партия кўмитасининг биринчи котиби вазифасига тайинланди. Ўша даврда Зомин тумани галлачиликда рекорд ютуқларга эришди, яъни, туман давлатга бир кунда 80 минг тонна галла топирилди, Республика байроғини олишга сазовор бўлди. Лекин бу ютуқлар Саттор Усмоновни қониқтирмасди. Шунинг учун у 1960 йилда ҳозирги Сардоба тумани (собиқ Илчык тумани)нинг чўл зонасида биринчилардан бўлиб очилган Титов номи 6-совхоз директорилигини қабул қилиб олди. Яйдоқ чўл бўлиб ётган худудни ўзлаштириш, у ерга уй-жойлар қуриб, одамларни кўчириб келиш, уларга шарт-шароит яратиб бериб, қишлоқ

ҳўжалиги зироатчилигини ўргатишнинг ўзи бўлмайди. Лекин ғайратли ва шижоатли Саттор Усмонов барча ишни нолдан бошлаб, ўзининг раҳбарлик қобилиятини намоён қилди. Жуда кўп одамлар чўлни, Сирдарёниўзлаштириш, қуруқ ва шўр, саксовул босган ерларни боғ-бўстонга айлантириш мақсадида Сардобага, янгидан ташкил этилган ҳўжаликка кўчириб келинди.

Ўша даврда Титов номи 6-совхоз директори лавозимга юборилган тиниб-тинчимас Саттор Усмонов шу ерда 1976 йилгача 15 йил раҳбарлик қилиб, катта ютуқларга эришди. Ўзининг уста деҳқон, кучли ташкилотчи, ер билан тиллашадиган пахтакор эканини исботлади. Янги ерлар очиш, каналлар қазिश, лотоклар ўрнатиш, тик ва кўндаланг дренажлар қуриш ишлари авж олди. Ҳўжалик 22600 тоннагача пахта етказиб, унинг 94-95 фоизини пахта териш машинаси ёрдамида териб олиб, рекорд ўрнатди. Хусусан, 1960 йилда 8 минг тонна пахта хосили бунёд этилган бўлса, 1963 йилда 16,6 минг тонна пахта хосили етиштирилиб, режадан ортиғи билан давлатга топирилди. Ўшанда собиқ шўро давлати раҳбари Никита Хрущёвнинг ўзи шахсан Саттор Усмоновни табриклаган.

Изтироблар, йўқотишлар қийнади, топиш, силжишлар, галабалар янада қаттиқроқ ишлашга ундади. Яқин тарихда "Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти қуядиган" Мирзачўлни ўзлаштириш сабабли минглаб одамлар ризқ, уй-жой, бахт-саодат топдилар.

1966 йилнинг 26 апрелида Тошкентда кучли ер қимирлаш рўй берди. Шу кунёқ Тошкентга Леонид Брежнев ва Алексей Косигин учиб келишди ва ер қимирлашдан талафот кўрган Ўзбекистон халқига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди. Улар Мирзачўлга ҳам таширф буюришгани-

МИРЗАЧЎЛДА ТУҒИЛГАН АФСОНА

да Саттор Усмонов, "Главсредазирсовхозстрой" бошлиғи Ақоп Саркисов ҳамда оддий меҳнаткашлар билан учрашиб, уларнинг ишларига юқари баҳо бердилар. Титов номи совхозга чет мамлакатлардан Куба раҳбари Фидель Кастро, унинг укаси Раул Кастро, Бирлашган Араб Амирликлари давлати бошлиғи Али Сабри, Чехославакия раҳбари А.Навотний, космонавт Герман Титовлар ҳам келишиб, чўлда кўп миллатли Ўзбекистон халқининг қилаётган меҳнатига қойил қолишган.

Саттор Усмонов 1973 йилда Республика таркибида янги Жиззах вилояти барпо бўлиши муносабати билан ўша даврда бошқа вилоятларда хизмат қилаётган кадрларни янги ҳўжаликларга жалб қилди. Чўллар ўзлаштирилиб, пахтачилик ҳўжаликлари барпо этилди. 1976 йилда янги ўзлаштирилган ерларда ишлаб, катта тажрибага эга бўлган ва Республикада катта обрўга эришган Саттор Усмонов Арнасой туманидаги Юлиус Фучик номи ҳўжаликка раҳбарликка тақлиф этилди. Ҳўжалик вилоятда биринчи ва Республикада илгор ҳўжаликлар қаторида режа ва мажбуриятларини бажариб борди. Хусусан, пахта етиштиришнинг умумий салмоғи 1976-1979 йилларда режада белгиланган 4 минг тоннадан 14,5 минг тоннага етказилди. Хар гектар ердан олинадиган пахта хосили режадаги 10 центнер ўрнига 28 центнерга кўтарилди ва республика

мусобақаси ғолиби китобига киритилди. Саттор Усмонов ҳалол ва фидокорона меҳнатлари учун кўплаб орден-медалларга сазовор бўлди. У ўз халқининг ҳақиқий ва суюкли фарзанди эди. 40 йилдан ордик вақт давомида Сирдарё ва Жиззахдаги чўл ерларини ўзлаштиришда иштирок этиб, боғ-роғлар бунёд этди, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун фидоилик билан меҳнат қилди. Халқига сийқидилдан хизмат қилди.

Ўз даврида Саттор Усмонов ўзининг устозлари ва сафдошлари деб ҳисоблаган ва уларнинг ҳурматини жойига қўйиб келган Зоминдан чиққан ажойиб раҳбар ва фидойи инсонлардан, Миромон Мирзиев, Парда Ҳумроқов, Раҳмат Турғунбоев, Вали Ҳўжаев, Хосият Турсунова, Эргаш Холматов, Бобоқул Ҳумроқов, Ҳалол Абдуалимов, Болтабой Раҳматиллаев, Саит Маматқулов, Турсунмурот Пирматов, Ахатли Соипназаров, Маннан Бўранов, Ахмат Қўлбеков, Райим Қўзиевларнинг номларини ҳам бугун эслаб ўтиш жоиздир. Уларнинг ҳам охиратлари обод бўлсин!

Шу ўринда Саттор Усмоновнинг сафдошлари ва шогирдларидан бугунги кунда ҳам юртимизнинг турли жабҳаларида фаолият олиб бораётган Якуб Раҳмонқулов, Холбек Бўронов, Қувондик Абдураззоқов, Жуманазар Турдиқулов, Тойлоқ Қўшанов, Мамаюсуп Қўлдошев, Дуйша Тошматовларнинг номларини ҳам



келтириб ўтишимиз керак, албатта.

Саттор Усмонов нафақага чиққан, 1984-1991 йилларда ўзи туғилиб, ўсган Зомин туманининг жанубий ғарбида Зомин-Супа йўналишида, яъни Зомин марказидан 6-7 километр узоқликда жойлашган Ўрта Осиё Ирригация ва мелiorация илмий текшириш институти (САНИИРИ)га қарашли бўлган "Пословский" номидаги тажриба ишлаб чиқариш ҳўжалигига раҳбарлик қилди. 10гектар майдонни ўзлаштириб, узумзор қилди, 20 гектарлик худудда боғ-роғ яратди.

Ўзумчилик ва боғдорчилик совхозини очишда шахсан ўзи бош-қош бўлиб, ташкил этди, унинг биринчи раҳбари бўлиб ишлади. Ҳўжаликни 2-3 йил ичида узум ва боғдорчилик борасида юқори кўрсаткичга айланган, иқтисодий жиҳатдан рентабелли ҳўжаликка айлантиришга эришди. Адир жойларга сув чиқариш учун Чехославакиядан катта ҳажмдаги сув насослари олиб келтирди. Янги технология асосида томчилатиб сугоришни Республикада ва Жиззах вилоятида биринчи бўлиб жорий қилди. Бу янгилги ўзини тўлиқ оқлади. Натижада Зомин ва Жиззах халқи узум ва мевалар билан таъминланди. Шунингдек, Зомин тумани марказидаги "Сайқал" номи оталар чойхонаси қурилишига ҳам ўз хиссасини қўшди.

Саттор Усмоновнинг ҳаёти ва меҳнат

фаолияти ҳақида 1987 йилда "Вода течёт в гору" ("Сув тоққа қараб оқади") номи 27 дақиқалик ҳужжатли телефильм яратилган ва Ўзбекистон телеканаллари орқали намойиш этилган. Саттор Усмонов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган "Чўл лочинининг синовларда кечган умри" деб номланган ва бошқа бир қатор китобларда унинг амалга оширилган эзгу ишлари батафсил қаламга олинган.

Саттор Усмонов қаерда ишлама-син, ўзидан яхши ном қолдириш, доимо халқнинг хизматига бўлиб, оғирини енгиллаштириб, Ўзбекистон деган юртни жаҳонга танитиш орзуси билан яшади. У нафақат миришкор деҳқон ва моҳир раҳбар, балки доно мураббий ҳам эди. Ўз меҳнат фаолияти даврида юзлаб шогирдларини тарбиялади, уларга деҳқончилик сир-асрорларини, ҳўжалик юритиш тажрибаларини ўргатди. Унинг шогирдлари ҳозир нафақат вилоятда, балки республикада миқёсидаги раҳбарлик лавозимларида ишлашмоқда. Шунингдек, Саттор Усмонов Сирдарё ва Жиззах чўлида турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга, уларнинг бир оила фарзандларидай тинч-тотув ва аҳилликда яшаб, меҳнат қилишларига муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбек ва қирғиз халқларининг асл фарзанди бўлган Саттор Усмоновнинг ҳаёт йўли, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлиқнинг мустаҳкамлашига қўшган ҳиссасини эслаш, уни хотирлаш халқларимиз ўртасидаги биродарлик ришталарини, юртимиздаги миллатлараро тотувикни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Отаси Усмон ота, онаси Айсаят бидан асл инсонийлик фазилатларини ўзлаштирган Саттор ўз элининг асл фарзанди бўлиб етишди. Яқинлари, авлодлари, бутун эл-юрт бугун унинг хотирасини ёдга олиб, руҳини шод қилмоқда, босиб ўтган ҳаёт йўлидан ибрат олмоқда. Ҳалол ва баракали меҳнати билан тириклигида ўзига ҳайкал қўйиб кетган афсонавий чўлкуварнинг иккинчи умри мангу ва барҳаётдир.

Раҳматилла ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон қирғиз миллий маданий маркази раиси.

Табиат олами


СОВУҚҚА ЧИДАМЛИ ВА ЯШОВЧАН

Эрта баҳорда шимол томондан учуб келган ёввойи ўрдакларнинг бир қисми Зарбдор туманидаги Тоғатеппа ва Сутбулоқ қишлоқлари ҳамда "Наврўз" канали қирғоқларида насл қолдириш учун уялаб қоладилар. Совуққа чидамли ва яшовчан бу қушлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб бир манзилдан бошқа манзилга кўчиб юрадилар. Уларга сув ҳавзалари бўлса кифоя. Ҳавога кўтарилганида "вит-вит"лаб янграёқ товуш чиқаришдан ёввойи ўрдаклар эканлигини билиш қийин эмас. Жангари характерга эга. Келажак авлодининг яшаши учун жон-жаҳди билан курашади.

Ёввойи ўрдаклар қанотларидаги кўзга яққол ташланувчи оқ йўл-йўл чизиклари ажиб бир гўзаллик бахш этиб, юртимизнинг кўл, дарё ва сув ҳавзаларида турли ҳашарот, чувалчанг, майда балиқ ҳамда барра ўтлар билан озикланадилар. Тумшуғи ясси ва сезгир бўлганлигидан моллюскаларни осонликча тутиб ейди. Баъзан уларнинг сув тошган жойларга бориб озикланаётганлигини кўриш мумкин.

Қушлар жуфтлиги юртимизга учиб келган заҳоти хас-чўплардан уя қуришга киришади ва модаси момик парларидан тўшама ясаб ўн иккитагача тухум қўяди. Вақт ўтиши билан она ўрдак оч-яшил тусдаги тухумлардан чиққан жўжаларга етакчилик қилади.

Бўйни ялтироқ, думи қайрилган нар ўрдаклар эрта тонгданоқ сув ҳавзаларида пайдо бўлиб, қанотларини кенг ёзганча ғағиллаб, чиройли рақсга тушадилар. Ёрқин патларини кўз-кўз қилиб мода




атрофида парвона бўладилар. Ҳатто турдошлари орасида жанг қилишга ҳам тайёр турадилар.

Ёввойи ўрдакларнинг яшаш тарзи осон кечмайди. Кўпинча уларнинг тухум ва полапонларига ярамас йиртқичлар томонидан ҳужумлар бўлиб туради. Шунинг учун она ўрдак уядаги тухумларини бир пайтнинг ўзида имкон қадар тезроқ очиб, бир-икки кун ичида жўжаларни сув ҳавзаларга эргаштириб кетади. Митти ўрдакчалар жуда ёқимтой. Она ортидан эргашиб, сира чарчамайди. Лекин дарё суви кўтарилганида талафот юз бериб уя ва жўжалари оқиб кетиши мумкин. Бундай пайтларда ғамхўр ота-оналар томонидан янада масъулият ва ҳушёрлик талаб этилади.

Нар қуш ҳам бола тарбияси билан шугулланади. Жўжаларни сув юзасига тушириб озиқ топишга ундайди. Вақти-вақти билан қамишзор четига келиб, атрофни кузатишни қанда қилмайди.

...Бир кун кутилмаганда қаттиқ қийриқ эшитилиб, тепада бир нечта чайка (оқ чарлоқ) пайдо бўлди. Улар ўрдак болалари устида гир айланиб, бу ердан узоқлашмасди. Босқинчилар дам юқорига кўтарилар, дам тик пастга отилиб сув юзасига яқинлашганча ўрдакчаларни тутишни мўлжаллаб парвоз қилишарди. Таҳликали дамлар анча вақтгача давом этди. Она ўрдак ҳар гал зўр бериб ғағиллаб сувдан кўтарилиб чиққанида тумшук ва қанотлари билан зарб бериб босқинчилар ҳужумини қайтаришга уринарди. Лекин кучлар тенг эмасди. Она ўрдак бир муддат довдираб қолди. Боз



устига кўрққанидан ғуж бўлиб турган болаларининг тарқалиб, нари кетиб қолмаслигига ҳам кўз-қулоқ бўлмоғи керак эди. Бахтга қарши она ўрдак яна бир бор кўтарилиб ҳужумга ўтаётган босқинчиларнинг бирига ташланган заҳоти бошқалари тўп бўлиб турган жўжалардан бир нечасини олиб қочишга улгуришди. Бундай нохушлиқдан жўжалар ҳар томонга тарқаб кетишди. Бу эса "жанг" оқибатини ҳал қилиб берди. Она ўрдак босқинчиларнинг дам бирига, дам бошқаларига раҳмат қилди. У болаларини тўплаш учун беҳуда уринар, дам қанот қоқиб юқорига кўтарилар, дам сувда сузиб гир айланади.

Шу орада махсус қийимдаги сергак нозир қўшотар митлиғи билан осмонга кетма-кет ўқ узди. Қулоқни қоматга келтирувчи гумбирлаган овоздан босқинчилар ваҳимага тушиб, кўлдан узоқлашдилар. Она ўрдак эса қолган жўжаларини тўплаб, жон сақлаш учун беҳавотир бўлган чангалзор томон бошлаб кетди.

Ёввойи ўрдаклар ўлкамизда кенг тарқалган ва кўп сонли паррандалардан ҳисобланади. Уларга чуқур сув ҳавзалари, тезоқар дарё ҳамда қулай ҳудудлар керак.

Фарида НАЛИБОЕВА,
Ғаллаорол туманидаги
73-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси.

Эълон

Тошкент шаҳар Олмосор тумани "Давлат хизматлари" маркази томонидан 2022 йил 28 ноябрь куни № 05-2817/1-реестр рақами билан қайта рўйхатдан ўтган "ALO-ALI AX"(СТІР: 200653639) масъулияти чекланган жамияти 2021 йил ҳисобидан 1 311 000 000 сўм, 2022 йил ҳисобидан 3 819 932 000 сўм дивидент ўрнига 5 130 932 000 сўм бино-иншоотлар қўринишида олиб чиқишни маълум қилади. Мурोजат учун телефон: +99899 737-30-00.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирилар
Маҳкамаси комплекс таркибидagi ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир хайъати:

Шавакка ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛАЕВ,
Актаи ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Ҳисоб усулида босилди, қозғ бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-540. 1788 нускада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93,
95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021



Босишга топириш вақти: 21.00
Босишга топирилди: 18.00